ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ! ● ЯГАНАНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК. ГЎЗАЛАРНИ ЎТГА ОЛДИРМАЙЛИК ● *ПИЛЛА ҚУРТЛАРИНИНГ КЕЧА-КУНДУЗ НОРМАЛ БОҚИЛИШИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК.* ● ЕМ-ХАШАКНИ МЎЛ ЖАМҒАРИШ ДАВРИ ЎТМОҚДА. ПИЧАН, БЕДА ЎРИМИ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛСИН.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 90 (4337).

7 МАЙ ПАЙШАНБА, 1970 йил.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПСДА

1970 йил 11 апрелда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси асосчиси ва жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкори В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиғи ўтказилди.

Бутуниттифоқ Коммунистик юбилей шанбалигида мамлакатнинг меҳнатга қобилиятли деярли бутун аҳолиси қатнашди. Бу шанбалик совет кишиларининг чуқур ватанпарварлик туйғуларини, уларнинг коммунизмнинг юксак идеалларига астойдил содиқ эканликларини яна бир марта ифода этди. Шанбалик бутун совет халқининг чинакам байрамига айланди ва меҳнатда ҳамда ишлаб чиқаришда катта муваффақиятлар билан нишонланди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС совет кишиларининг ижодий ташаббусига юксак баҳо бериб, юбилей шанбалигида актив қатнашган ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, меҳнат ветеранлари, совет хотин-қизлари ва ёшларга шавкатли меҳнатлари учун саммий ташаккур изҳор қиладилар.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати шанбаликдаги коммунистик меҳнат натижасида олинган маблағларни:

Қўшимча равишда бошланғич ва ўрта мактаб биноларини, касалхоналар, поликлиникалар ва бошқа медицина муассасалари биноларини қуриш учун, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларини яхшилашга;

Шаҳар ва қишлоқда ишчи ёшларнинг ҳунар-техника таълимини кенгайтириш, саноатда юксак малакали ишчиларни, қишлоқ хўжалигида тракторчилар ва механизаторларни тайёрлашга сарф этиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

БУГУН—РАДИО КУНИ! УЛУҒ РУС ОЛИМИ А. С. ПОПОВ ТОМОНИДАН РАДИО КАШФ ЭТИЛГАНИГА 75 ЙИЛ ТЎЛДИ.



Ўрта Чирчиқ районининг деҳқонлари беш йилликнинг сўнгги йилида областимизнинг улкан хирмонга 60 минг тонна «оқ олтин» тўкиш учун социалистик мажбурият олишган. Ана шу йўлда меҳнат қилаётган пахтакорлар айни кунларда ғўзага ишлов бериш ишларини қизғин олиб боришяпти. Энгельс номли колхозда ҳам бу тадбир ҳар томонлама уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Суратда: (чапдан) шу колхознинг 60 гектар ерига чигит экиб 28 центнердан ҳосил кўтариш учун курашаётган илғор звено бошлиғи Оғабек Алмешов ва звенода культивация пайти.

О. Пепенов фотоси.

СОВЕТ-ЧЕХОСЛОВАКИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

ПРАГА, 5 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун кунининг иккинчи ярмида Прага Градида Совет—Чехословакия музокаралари бошланди.

Музокараларда совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси қатнашмоқда.

Чехословакия томонидан бу музокараларда Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак бошчилигидаги Чехословакия партия-ҳукумат делегацияси иштирок этмоқда.

ҚУДРАТЛИ ҒОЯВИЙ ҚУРОЛ

Қўҳна тарих ажойиб саналарга бой. 1895 йил 7 май куни ҳам асрлар йилномасига абадий ўчмас қилиб ёзиб қўйилган саналардан бири бўлиб қолди. Улуғ рус олими Александр Степанович Попов ўша йили инсоният учун буюк ихтиро — радиони яратиб берди.

Жаҳон фани ва техникаси оламида улкан воқеа юз берганига мана бугун 75 йил тўлди. Бундан йигирма беш йил муқаддам, яъни 1945 йилнинг 2 майида Совет ҳукуматининг қарори билан бу ихтиро юз берган кун — 7 май «Радио куни» деб эълон қилинди. Шундан буён ҳар йили бу кун радио ходимлари ва алоқачиларимизнинг байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Совет радиосининг нурли истиқбол йўли улуғ доҳиймиз В. И. Ленининг табаррук номи билан узвий боғланган. Буюк Ленин радио техникаси тараққиётига жуда катта аҳамият берди. У гражданлар уруши давридаёқ мамлакатда симсиз эшиттиришларни амалга оширишни орзу қилган эди. Совет жамиятининг тарихини бошлаб берган ленинча декретлар радиотелеграф орқали эълон қилинганлиги бу соҳадаги дастлабки муваффақиятлардан бири бўлди.

«...Радио ихтиро қилиш соҳасида олиб бораётган катта ишингизда Сизга хайрихоҳлик билдираман», — деб ёзган эди В. И. Ленин 1920 йил 5 февралда М. А. Бонч-Бруевичга йўллаган мактубида. — Сиз яратаётган қоғозсиз ва масофасиз газета улуғ нарса бўлади». Дарҳақиқат, «қоғозсиз ва масофасиз газета» Совет ҳокимияти йилларида буюк ишга айланди. Эндиликда радио-техника, радиоэлектроника техника прогрессининг энг илғор соҳаларидан бири бўлиб қолди. Бу фанларнинг равнақи туфайли давримиз телевидение асрига айланди.

Серқуёш республикамизда ҳам радио ва телевидение катта юксалиш йўлини босиб ўтди. Ўзбекистон радиоси ўз фаолиятини дастлаб кичик бир базада бошлаган эди. Тошкентда биринчи радиоэшиттириш 1927 йилнинг февраль ойида эфир орқали таралди. Орадан сал вақт ўтмай биринчи радиогазета чиқарилди. Ўзбекистон радиоси эшиттиришлари доираси кенгайиб кетди. Тошкент радиоси орқали берилаётган бир кунлик эшиттиришлар ҳажми 30 соатдан ортиқдир.

Тошкент овози тинчлик, дўстлик, қардошлик ва биродарлик овози янглиғ бутун дунёга тараляпти. Шунинг учун ижодий коллектив номига жаҳоннинг турли бурчакларидан мактублар келиб туради. Тингловчиларнинг миннатдорчиликлари чексиз. «Радио боғлайдиган дўстлик ер куррасида бахт ва тинчликни барқарор қилиш учун хизмат қилиш лозим. Тошкент радиоси, менимча, ана шундай олижаноб вазифани ўтаяпти». Янги Зеландиялик радио тингловчи Рон Сигер Тошкент радиосига йўллаган мактубида, жумладан ана шундай деб ёзди. Ҳиндистонлик радио тингловчи М. Чандра мактубида қуйидаги жумлалар бор: «Тошкент радиоси орқали Ўрта Осиё халқларининг бир авлод умри давомида қолоқликдан илғорликка эришганлигини билдим... Ҳозир эса фан ва маданият юксак ривожланган республикаларга айланибди. Айниқса, пахтачиликда қўлга киритилаётган ютуқлар бизни ҳайратда қолдирмоқда».

Кейинги йилларда республикамизда радио эшиттириш тармоқлари анча кенгайди. Ҳозир Ўзбекистонда бирон хонадон йўққи, у ерда кишилар радиодан баҳраманд бўлишмасин!

Қишлоқларни радиолаштириш борасида ҳам катта ишлар қилинди. Фақат областимизнинг колхоз ва совхозларида 30 мингдан ортиқ радио точка мавжуд. Деярли ҳар бир хўжаликда радиоузел ишлаб турибди. Маҳаллий радиоэшиттиришлар савияси анча яхшиланди ва ранг-баранг бўлиб қолди.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда телевиденининг роли ҳам бениҳоя катта. Тошкент телевизион студияси кўрсатувлар программаси томошабинлар дидига мос ва таъсирчан қилиб тузилмоқда. Студиянинг бадиий эшиттиришлар редакцияси, «Ёшлик» студияси томонидан тайёрланиб, «зангори экран» орқали намойиш қилинаётган кўрсатувлар томошабинлар эътиборини борган сари ўзига жалб этмоқда.

Ўзбекистон радиоси каби республикамиз телевиденнеси коллективи ҳам улуғ В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш даврида катта ғайрат ва ижодий ташаббус кўрсатиб ишлади. Эфир тўлқинларида, «зангори экран»да кўпчиликка манзур бўла оладиган туркум эшиттиришлар янгради.

Республикамиз телевиденнесининг келажаги порлоқ. Энг яхши замонавий аппаратуралар билан, телетехниканинг кейинги ютуқлари билан таъминланган Тошкент телестудияси яқин келажакда беш программада ишлашга ўтади. Булардан бирини рангли телевидение эгаллайди.

Ўтган йили ташкил этилган Тошкент телевизион фильмлар студияси ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратишга киришди. Студиянинг кинокомплекси замонавий аппаратуралар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Радио ва телевидение умумхалқ минбаридир. Шунинг учун ҳам радио ва телевизион эшиттиришларда ишчилар, колхозчилар, инженерлар, олимлар, шифокорлар — турли касб эгалари актив иштирок этмоқдалар.

Партиявийлик, оммавийлик ва юксак ғоявийлик совет радиоси ва телевиденнесининг муқаддас анъанасига айланган. Бу сифатлар ҳар бир эшиттиришни янада жозибали, янада мазмунли бўлишини таъминлашни тақозо этади. Шунинг учун радио ва телевидение ходимлари радио тўлқинлари орқали ва «зангори экран»да берилаётган эшиттиришларни пишиқ, бадиий юксак ва оммабоп қилиб тайёрлашлари лозим.

Бугун — Радио куни! Бу куни радио, телевидение ва алоқа тармоқлари ходимлари қаторн барча совет халқи байрам қилади.

ЯНГИ ЕРЛАР ҲИСОБИГА ПАХТАНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Бу йил республикамизда улкан пахта хирмони кўтариш учун барча пахтакорлар бел боғлаб меҳнат қилмоқдалар.

Маълумки, бултурги оғир йилда колхозимиз пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш планини шараф билан бажарган эдилар. Ҳосилдорлик пландагига қарағанда гектар бошига 2,4 центнердан оширилди. Колхозчиларимизнинг бу йилги ниятлари ҳам зўр: пландан ташқари 535 тонна «оқ олтин» тўкиш. Шу мақсадда аввало барча пахта майдонларини кузда сифатли қилиб шудгор қилинди. 460 гектар майдонга ҳайдашдан олдин суперфосфат, 360 гектар ерга гўнг солинди.

Ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 16 километр узунликдаги зовурлар тозаланди. 3 километр зовур янгидан қазилди. Мана шу йўл билан ерости сувлари яқин захкаш 500 гектар пахта майдонининг мелиоратив аҳволи яхшиланди. Ирригация тармоқларини яхшилашга киришилди. «Октябрь» участкасидан ўтган ариқдан сув олиш анча қийин эди, ариқнинг бош томони бетон қилинди, сув олиш анча тартибга солинди.

Аслида 875 гектар ерга чигит экишимиз керак. Шундан планга мувофиқ 1776 тонна ўрнига дастлаб 2250 тонна пахта олиш тўғрисида мажбурият қабул қилган эдик. Колхозчилар яна 25 гектар ерни ўзлаштириб чигит экдилар. Шундай қилиб пландан ташқари давлатга 535 тонна «оқ олтин» топшириш имконияти туғилди. Колхозчилар шу ниятда ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда схемаларнинг аҳамияти катта. Масалан, 90Х15, 60Х20 схемалари билан чигит экилган майдонларда ғўза кўчати, ҳеч шубҳасиз, кўп бўлади. Шуни назарга олиб, бултур 100 гектар ерга кенг қаторлаб чигит экканмиз. Натижа ёмон бўлмади. Ҳосилдорлик анча ошди. Шунинг учун бу йил 265 гектар ерга 90Х15, 415 гектар ерга 60Х20 схемасида чигит экилди.

Чигит экиш даврида техникадан ва қишлоқ хўжалик асбобларидан яхшироқ ва унумлироқ фойдаланилди. Тўртта грейдер, 2 та мола, 12 та пахта мола билан пахта майдонлари тартибга солинди. Натижада 4200 га яқин иш куни тежаб қолинди.

Кўп йиллик тажриба ёввойи ўтга қарши курашни экишдан олдин бошлаш маъқуллигини кўрсатди. Шунинг учун 50 гектар ердаги ўт илдизлари экишдан олдин терib ташланди. 700 гектар майдонда ёввойи ўтга қарши гербицид сепиб чигит экилди. Бултур гербицид сепиб уруғ ташланган ерларда 52 кун давомида ёввойи ўт чиқмади. Бу иш вақтида қилинди, чунки авжи ғўза яганаси ва чопиғи вақтида анчагина одамларимиз пилла қурти боқиш билан банд бўлиб, далага чиқолмай қоладилар. Пилачиликни ривожлантириш, унинг озуқа базасини вужудга келтириш учун 25 минг туп тут кўчати экилди. 3260 килограмм пилла етиштириш учун 70 қути уруғ тарқатдик.

Бултур ҳар гектар ерда терим бошланиши олдида ўрта ҳисобда 72 минг туп кўчат қолган эди. Биз бу йил ҳар гектар ерда 90—95 минг туп кўчат бўлишини таъминлаш учун курашмоқдамиз.

Биз ғўза яганасини эрта-индин тамомламоқчимиз. Бизда 700 гектар ерда гербицид билан ҳар уяга 3-4 донадан уруғ ташлаб чигит экилди. Бу ерларда ғўза деярлик яганга бўлмайди, ғўза кўндалангига қирқилмай, культивация қилина беради.

Хўжалигимизда ғўза қатор оралариде ишлайдиган 22 та культиватор бор. Уларнинг ҳаммаси тракторларга тиркаб, тахт қилиб қўйилди.

Бу йил биз етиштирилган пахтанинг 80 процентидан кўпроғини машина билан териб олмоқчимиз. Бунинг учун 33 та машина бор. Улардан тўрттаси 90Х15 схемасига мослаштирилган карталарда ишлайди. Биз ғўза парваришини шу мақсадга бўйсундириш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Пахтадан ташқари, бу йил 100 гектар ерга каноп экдик, 70 гектар ерга шоли экиш учун ҳамма тайёрлик ишлари кўриб қўйилди. Маълумки, бизнинг колхоз кўп йиллардан бери қолоқ бўлиб келар эди. Унинг қаддини ростлаб, бошқа хўжаликлар даражасига етказиб олиш учун тадбирлар кўриляпти. Айниқса чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш туғяни тўлдириш, сигирлар зотини яхшилаш учун ҳам бир қатор тадбирлар кўриляпти.

Колхозимиз аъзолари йилни ёруғ юз билан якунлаш учун ҳозирдан, ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари самарали бўлишга астойдил ишонамиз.

Т. ЧИННИБЕКОВ,
Оққўрғон райондаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

Р. ҲАКИМЖОНОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

Т. КАРИМОВ,
колхоз агрономи.

СОВЕТ РАҲБАРЛАРИГА МУКОФОТЛАР

ПРАГА, 6 май. (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети президиуми ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Л. Свобода КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга Чехословакияни озод қилишдаги фавқулодда хизматлари ҳамда ЧССР билан СССР халқлари ўртасидаги дўстликни ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги фавқулодда хизматлари учун ЧССР Қаҳрамони Олтин Юлдузини тақиб юриш ҳуқуқи билан бирга ЧССР Қаҳрамони Фахрий унвонини берди.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Чехословакия Социалистик Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари учун занжирли биринчи даража Оқ шер ордени билан мукофотландилар.

Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар юксак мукофотлар учун ЧКПга, ЧССР Ҳукуматига, шахсан президент Л. Свободага самимий ташаккур изҳор қилдилар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ РАҲБАРЛАРИГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ МУКОФОТЛАРИ

ПРАГА, 6 май. (ТАСС). Прага Градида Чехословакия раҳбарларига мукофотлар топшириш маросими бўлди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзоси, ЧКП Марказий Комитети секретари В. Биляк ва ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзоси, Словакия Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И. Ленартга Қизил Байроқ орденлари топширди. Улар фашист босқинчиларга қарши биргаликда олиб борилган курашда актив қатнашганликлари учун ҳамда Чехословакиянинг фашизмдан озод этилганига 25 йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг 1970 йил 30 апрелдаги фармонига биноан мукофотланган эдилар.

Л. И. Брежнев Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиуми, ЧКП Марказий Комитети секретариати ва ЧССР ҳукуматн аъзоларидан бир группасига «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаш юзасидан» юбилей медалларини топширди.

Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети секретари В. Биляк мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, юксак мукофот учун СССР Олий Совети Президиумига қизғин миннатдорчилик билдирди.

ҲАЛҚ НОМЗОДЛАРИ


Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари, инженер—техник ходимлари ва хизматчиларининг сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Солиҳ Рашидович Расуловни 620—Тошкент—Ленин сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилинди.

РЕСПУБЛИКА ПАРРАНДАЧИЛИГИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб, тухум сотиш ярим йиллик планини муддатидан ярим йил илгари бажардилар.

Шу йил 1 майгача давлатга 154 миллион донадан ортиқ ёки ярим йиллик планга нисбатан 109,5 процент миқдорида тухум сотилди. Бу—ўтган йилнинг шу пайтигача сотилган тухум миқдоридан 50 миллион дона ортиқдир.

(ЎзТАГ).



ЧОРВОҚ гидроэлектростанцияси қурувчилари тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажаришди. Тўғон асосига 800 минг куб метрдан ортиқ тўпроқ-шағал ётқизилди. Бу пландагидан 150 минг куб метр знёддир. Ҳозир биринчи турбиналар монтажи бормоқда. Станциянинг биринчи навбати шу йил фойдаланишга топширилади. Суратда: биринчи агрегатни йиғиш.

Р. Шамсутдинов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги байрами муносабати билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган чет мамлакатлар коммунистик партиялари атоқли арбобларининг бир группаси — Аргентина Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Херонимо Арнедо Альварес, Уругвай Компартияси Ижроия Комитетининг аъзоси ва Компартия Марказий Комитетининг секретари Альберто Суарес, Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Рита Ибарбуру, Венесуэла Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат Альсидес Родригес 6 майда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ҳузурида бўлдилар.

Ш. Р Рашидов дўстона суҳбат вақтида меҳмонларга Ўзбекистон партия ташкилотининг фаолияти ҳақида, республикада экономика ва маданиятнинг ривожланиши тўғрисида гапириб берди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, Р. Н. Нишонов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ҚОҒОЗСИЗ ВА МАСОФАСИЗ ГАЗЕТА



Суратда: (ўнгдан) «Табассум» редакторлари Т. Содиқов, И. Зокиров ва эшиттиришни олиб борувчи СССР халқ артисти Наби Раҳимовлар навбатдаги эшиттиришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

ЭФИРДА—«ТАБАССУМ»

Дам олиш куни. Ориф ака токларни хомток қилиш билан овора. У гоҳо-гоҳо соатга кўз ташлаб қўяди. Мана, иш ҳам тугади. Шу пайт ҳаммага таниш «Кулгу устахонаси»нинг ёқимли музикаси таралди. Музика кетидан сатирик ҳажвиялар, юмористик ҳикоялар бошланиб кетди.

Эфирда — Табассум! Ҳа, мана 4 йилдирки, Ўзбекистон радиоси томонидан уюштирилган «Табассум» радиожурнали республикамиз механизаторларининг кайфиятларини кўтариш, уларга шўх ҳанда бағишлаш учун хизмат қилиб келмоқда.

Бундан 4 йил муқаддам 1 ойда бир марта бериладиган «Кулгу—чехранинг гули» ва «Қувноқ тўлқинлар» сатирик радиожурналлар мавжуд эди. 1966 йилдан бошлаб «Кулгу — чехранинг гули» ва «Қувноқ тўлқинлар» қўшилган ҳолда «Табассум» номи билан кулгу шинавандаларига тақдим этилди. СССР халқ артисти Наби Раҳимов, республика халқ артистлари Сойиб Хўжаев, Ғани Аъзамов, Рауф Болтаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Бахтиёр Ихтиёров, Эргаш Каримов, Эркли Маликбоевалар «Табассум» мухлислари хизматидалар.

Эшиттиришни тайёрлашда редакторлар Тўлан Қўзибоев, Тўлқин Содиқов, Исом Зокиров, Тўра Раҳимовлар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар эшиттиришларни янада қизиқарли, кулгили, ўткир сатирик жанрида бўлишига ва республикамиз механизаторларининг дам олиш кунини хушчақчақ ўтишига катта эътибор бермоқдалар. «Табассум»чилар айтганидек, «кулгу — чехранинг гули».

Ю. СОДИҚОВ,
радио мухбири.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБЛАРИ

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кун арафасида Тошкент радиоси адресига чет элдаги кўпгина тингловчилардан мактублар олинди. Қўшни Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатлардан йўлланган бу хатларда Ўзбекистон радиоси ходимларига катта миннатдорчилик билдирилди. Доҳий туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан чет тилларда уюштирилган турли эшиттиришлар дўстларимизга манзур бўлганлиги уларда баён қилинган эди.

Ҳақиқатдан ҳам буюк сана муносабати билан чет эллик радио эшитувчиларга атаб «Ленинном» туркумидан қатор эшиттиришлар бериб борилди. Серқуёш республикамизнинг Совет ҳокимияти йилларида эришган улкан зафарларига бағишланган эшиттиришлар ҳам эфир орқали таралди. Шунингдек, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари радио фестивали чет эллик дўстларимизда яхши таассурот қолдирди.

Н. АКРОМОВ.
радио ходими.

МИЛЛИОНЛАР ОВОЗИ

Бундан 75 йил муқаддам улуғ рус олими Александр Степанович Попов радиони кашф этди. Бу, фан оламидаги энг катта ихтиролардан бири эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси жаҳон радиоси тарихида янги саҳифа очди.

Биринчи радио эшиттиришлари 1917 йил, 7 ноябрда «Аврора» крейсерининг радиостанцияси орқали Владимир Ильич Ленининг «Россия гражданларига» деган тарихий мурожаати билан бошланганлиги билан фахрланамиз.

Совет Иттифоқи Коммунистлар партиясининг ташкилотчиси, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин радионинг тараққиётига жуда катта эътибор берди. У радиони «қоғозсиз ва масофасиз газета» деб таърифлади.

Владимир Ильич Ленининг ўлмас ва бебаҳо асарларини кўздан кечирар экансиз, унда улуғ доҳий имзо чеккан радио тараққиётига доир икки юздан ортиқ ҳужжатни кўрамиз. Бу ҳужжатларнинг ўнга яқини радио қурилиши билан боғлиқ бўлган ёш Совет давлатининг декретларидир.

Радио алоқасига доир воситалар кун сайин, ой сайин, йил сайин такомиллашиб, мукаммаллашиб бораётир. Радио халқ хўжалигининг ёрдами билан Ердан туриб космик ракеталар, космик кемалар, Ер йўлдошлари ва шунга ўхшаш илмий ишлар амалга оширилмоқда, космонавтлар билан алоқа қилинмоқда, узоқ фазодан илмий ахборотлар олинмоқда.

Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин радиони оммавий агитация ва пропагандanинг энг муҳим воситаси деб билди. Коммунистик партия доҳийнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб, мамлакатни ёппасига ва батамом радиолаштиришга алоҳида эътибор берди. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи хилма-хил вазифаларни бажарувчи радиостанцияларига эгадир. Мамлакатимиз механизаторлари радио ва телевидение орқали муҳим сиёсий воқеалардан хабардор бўладилар, фан ва техника, халқ хўжалиги, адабиёт ва санъат соҳасидаги янгиликлар билан танишадилар. Радио ва телевидение илмий коммунизмнинг, марксизм-ленинизм таълимотининг жарчиси бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда марказий, маҳаллий ва чет эллар учун олиб берилаётган радио эшиттиришлар бир кеча-кундузда қарийб бир минг 379 соатни ташкил этади. Совет Иттифоқида СССР халқларининг 61 тилида радиоэшиттириши олиб борилаётир.

Телевидение тез суръатлар билан тараққий этмоқда. Совет Иттифоқида 126 та телецентр, 800 кучли кам қувватли ретрансляторлар ишлаб турибди. Республикамизда радио ва телевидениенинг тез суръатлар билан тараққий этаётганлиги Коммунистлар партияси ва Совет ҳукумати бу соҳани ривожлантиришга кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин мисоли бўла олади.

1927 йил 11 февралда Тошкентда кўп тармоқли радиостанция ишлай бошлаган эди. Ҳозир Тошкент радиоси орқали ҳар куни ўзбек, рус, тожик, қозоқ, татар тилларида 3 программада эшиттиришлар олиб борилаётир. Бир кеча-кундузда ўзбек, форс, инглиз, урду, ҳинди, араб ва бошқа тилларда 7 соатлик эшиттириш чет эллар учун олиб борилаётир.

Ўзбекистон республикаси радио ва телевидениенинг умумий ҳажми жиҳатидан Совет Иттифоқида Москва радиосидан кейин иккинчи ўринда туради. Тошкент мамлакатимиздаги энг кекса радио марказларининг биридир.

Ўзбекистон радио ва телевидениеси ҳозирги замон янги техникаси билан таъминланган. Бундан кейинги йилларда у яна ҳам тараққий этади: Тошкент Радио уйининг иккинчи навбати қурилаётир, беш программали телевизион марказининг қурилиши ҳам жадал суръатлар билан олиб борилаётир, янги кинога олиш базаси ташкил бўлаётир. Шу йилнинг ўзида республикамиз рангли телевидениенинг асбоб-ускуналарини ола бошлайди. Бунинг натижасида Ўзбекистон механизаторлари Москва телевидениеси рангли телевидение эшиттиришларининггина эмас, балки Тошкент телевидениеси орқали рангли эшиттиришларни томоша қилиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Замонавий техника билан таъминланган Радио уйлари республиканинг бир қанча область марказларида ҳам қад кўтаради.

Ўзбекистон радио-телевидениесининг ижодий ходимлари, алоқачилари ва бутун коллективи партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликларига жавобан радиоэшиттириш ва телевидение кўрсатув программаларини кун сайин яхшилаб бориш учун интилмоқдалар. Республика радио ва телевидениесининг коллективи Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига алоҳида тайёргарлик кўрди. Радио ва телевидение ходимлари доҳийнинг ўлмас ва бебаҳо таълимотини механизаторлар оммасига етказишда, халқимизни коммунистик онглилик руҳида тарбиялашда жонажон партиямизга ўз эшиттиришлари ва кўрсатув программаларини янада яхшилаш учун барча имкониятлардан фойдаланади ва бутун куч-ғайратини шу ишга сафарбар этади.

И. УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитети раисининг ўринбосари.



Тошкент радио уйининг оператори Нафиса Аҳмедова иш устида.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

«ЗАВОДДАН ГАПИРАМИЗ»

— Заводдан гапирамиз! Ҳозир беш йиллик зарбдорлари ҳақида ҳикоя қиламиз. — Диктор овози корхона нинг барча цех ва участкаларида янгради.

Ишчи-хизматчилар бу овозга кўникиб қолишган. Чунки завод радиоузели орқали корхона ҳаёти, ишчилар меҳнати тараннум этиб келинмоқда.

Бугунги эшиттиришда Тошкент экскаватор ремонти заводи зарбдор ишчи-ёшларининг юбилей вахтасида қўлга киритган ютуқлари беш йиллик топшириқларини қандай бажаришаётгани ёрқин, конкрет мисолларда ҳикоя қилиб берилди.

Диктор қуюв цехининг қолипсозчиси Анвар Муҳиддинов, йиғув цехининг слесари Станислав Пак, 1-механика цехининг токарлари Александр Юткин, Владимир Поляков ва бошқаларнинг кундалик топшириқларини мунтазам 130-140 процентдан адо этишаётганини, илғорлар сафи кундан-кунга ошиб бораётганини фахр билан сўзларди.

— Буни ўзига хос радиогазета дейиш мумкин, — дейди эшиттиришлар редактори, корхона ихтирочилар ва рационализаторлар бюросининг бошлиғи Маркс Пономарев. — Биз радиогазетамизни қизиқарли, жонли қилиш борасида тинимсиз изланяпмиз. Ишчиларга уларни қизиқтирган мавзуларда эшиттиришлар ташкил этяпмиз...

Шу пайтда репродуктордан яна диктор овози эшитилди.

— Мухбиримиз корхонамиз ходими Вера Михайловна Сорокина билан суҳбатлашди. Ҳозир шу плёнкани эшиттиришга қўлмиз...

— Вера Михайловна, сиз Улуғ Ватан урушида иштирок қилганингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Биз даҳшатли уруш бошланган кезларда ўрта мактабни эндигина битирган эдик. Дарҳол фронтга кўнгилли бўлиб ёзилдик. Ўғил болаларни ҳарбий ҳисмларга, бизларни эса медицина ҳамширалари курсига юборишди...

— Вера Михайловна ҳозир катта бухгалтер бўлиб ишлайди, — деб изоҳ берди ўртоқ М. Пономарев, — ўғли заводимизда фрезерловчилик қилади...

Радиогазета материаллари билан танишсангиз, чиндан ҳам унинг мавзу доираси кенглигига, хилма-хил эшиттиришлар тайёрланаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Корхона коллективи беш йиллик сўнгги йилининг дастлабки тўрт ойи топшириғини муваффақиятли адо этди. Бунда завод радиоузели ходимларининг ҳам кичик ҳиссаси бор, албатта.

И. ҲАМИДОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАН ДИКТОРИ

Мовий гуллар ўлкаси, боғу бўстонлар макони гўзал Фарғона қўйнида ўзларининг баркамол ижодий фаолияти билан республикамизда донг таратган истеъдодли шоирлар, моҳир хонанда ва созандалар, фанимиз соҳиблари, маданият арбоблари етишиб чиққан. Улар республикамизнинг барча тармоқларида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Тошкент телевизион студиясининг бош диктори Ўктам Жобиров ана шу истеъдодли, изланувчан маданият ходимларидан биридир. Республикамиз миқёсида унинг жозиоали овозини эшитмаган, янгроқ товушидан завқ-шавқ олмаган одам кам топилади. Мана ўн саккиз йилдирки бу талант соҳиби радио тўлқинларида, «зангори экран» орқали чиқиб, партия ва ҳукуматимизнинг халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қарорларини пропаганда қилиб, халқимизни меҳнат галабаларидан хабардор қилмоқда.

Ўктам аканинг ёқимли овози Иттифоқимизнинг барча республикаларида кўп йиллардан бери эшитилиб келмоқда. Шунингдек у тез-тез «Интервидение» студиясининг эшиттиришларида қатнашиб, Ўзбекистон механизаторларининг кундалик фаолиятини, коммунизм қуришда қўлга киритилаётган улкан ғалабалари ҳақида ҳикоя қилмоқда.

Бошқирдистон автоном республикасида Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказье ўлкалари телевизион фестивали бўлиб ўтганди. Унда Ўктам Жобиров Иттифоқ бўйича энг яхши изланувчан диктор сифатида танилди. У Грузия, Озарбайжон, Тожикистон, Белоруссия ўлкаларида ўтказилган ўзбек маданияти ва санъати декадаларида қатнашиб катта муваффақиятларни қўлга киритди.

Юксак талант ўз ҳолича юзага келмайди. Бунинг учун ниҳоятда кўп ҳаракат қилиб ҳаёт сўқмоқларини енгиб ўтиш керак. Ўктам Жобиров ўзининг ўн саккиз йиллик ижодий фаолиятида катта қийинчиликларга дуч келди ва уларга бардош берди. У илк бор Тошкент радиоси уйига қадам қўйганида эндигина ўн саккиз ёшга тўлган эди. Ўктам акада дикторлик касбига меҳр-муҳаббат уйғонишида Ўзбекистон ССР халқ артисти Туйғуной Юнусхўжаева, республикада хизмат кўрсатган артист Қодир Маҳсумовнинг хизматлари катта бўлди. Улар бу ёш, изланувчан йигитнинг келажакда моҳир диктор бўлиб етишишига кўзлари етганди. Шунинг учун ҳам бу санъаткорлар Ўктам акага дикторлик сир-асрорларини ўргатишда ўз куч ва ғайратларини аяшмади. Натижада 1952 йилда у радио комитетига диктор қилиб тайинланди. Орадан кўп ўтмай ўзининг ёқимли овози билан минглаб радио тинглозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлди.

У энг талабчан ва ҳурматли устоз ҳамдир. Телевизор экранида чиқаётган дикторлардан Олга Полевая, Галина Мельникова, Насиба Иброҳимова, Наси ба Мақсудовалар ундан таҳсил олишган. Ўктам ака кўп йиллар давомида меҳнат жараёнида орттирган бой, ҳаётий тажрибасини ўз шогирдлари билан бирга баҳам кўрмоқда. Уларни бу шарафли касбни улуғлашга даъват этмоқда.

Бугун ишчан ва захматкаш радио ва телевидениенинг ижодий ходимлари ўз байрамларини кенг нишонламоқдалар. Тошкент телевизион студиясининг изланувчан ходими, янгроқ овозли диктор, камтарин ва камсухан Ўктам Жобировни шу кунги шодиёна кун билан табриклаймиз. Келажакда «зангори экран» орқали қаҳрамон халқимизнинг меҳнатини улугловчи, севимли диёримизнинг равнақи ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб рангбаранг эшиттиришларни олиб боришида катта ютуқлар тилаймиз.

И. ЮСУПОВ.



Суратда: диктор Ўктам Жобиров микрофон олдида.

ЁШ ДЕҲҚОНЛАР МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛДИЛАР



Ўтган куни бўлиб ўтган область ёш деҳқонлари II слётига қишлоқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида ишловчи турли касб эгалари, колхоз ва совхозлар комсомол ташкилотларининг секретарлари, комсомол ёшлар бригадаларининг бошлиқлари таклиф этилган эдилар.

Слетда область комсомол комитетининг биринчи секретари О. Исҳоқов «Ўтган қишлоқ хўжалиги йилининг якунлари ва ёш деҳқонларнинг юбилей йилидаги вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

— Ўтган йили совет кишилари ҳаётида ажойиб воқеалар бўлди, — деди докладчи. — Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида қабул қилинган колхоз Устави хўжалик ҳаётининг ойнаси бўлиб қолди. Уставда белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилиш қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг муҳим омилидир.

Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўтган йили об-ҳаво қийинчиликларига қарамай бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Бунда комсомол ёшларнинг ҳам ҳиссаси бор. Колхоз ва совхозлардаги кўпгина комсомол ёшлар бригадалари пахтадан юқори ҳосил олдилар. Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоздан С. Абдукаримов, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан Ж. Шамсиев, Ўрта Чирчиқ районидан Ш. Очилов, Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоздан Г. Султонова, Оҳангарондан С. Эржонова каби комсомол ёшлар бошлиқ пахтачилик, сабзавотчилик, чорвачилик бригадалари, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққанлар ёш деҳқонлар эришаётган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган муҳим камчиликлар ва юбилей йилидаги вазифалар ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтдилар.

Ўтган йили қўпгина комсомол-ёшлар бригадалари планни бажара олмадилар. Тўғри, об-ҳаво бирмунча ноқулай келди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириб, планни бажариб келаётган комсомол-ёшлар бригадалари ва звенолари озмунча эмас-ку!

Слетда ёшларни техникани эгаллашга кенг жалб этишга алоҳида аҳамият берилди. Бу жиҳатдан Бўка районн комсомол комитети амалга ошираётган тадбирлар ибрат қилиб кўрсатилди.

Слет қатнашчилари шунингдек ҳар бир қарич ерни қадрлайлик, деган шиорни ўртага ташладилар. Афсуски, областимизда айрим колхоз ва совхозларда бунга эътибор берилмайди.

Бизда чорвачилик оқсаб келмоқда. Комсомол ёшлар чорвачиликни юксалтириш ишига астойдил киришишлари керак. Бунинг учун эса комсомол ёшлар чорвачилик бригадаларини кўпайтириш зарур. Айрим колхоз ва совхозлардаги фермаларда тартиб йўқ. Чорвадорларнинг унумли ишлаши учун яхши шароит яратиб берилмаган. Ёшларни фермаларда ишлашга кўпроқ жалб қилиш зарур.

Музокарада сўзга чиққан ёш деҳқонлар яна кўпгина таклифларни ва мулоҳазаларни айтдилар, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

— Колхозимиз комсомол-ёшлари, — деди Калинин районидаги Куйбишев номли колхоздан сўзга чиққан Р. Ортиқов, — ленинча синовлардан муваффақиятли ўтдилар. Бизнинг звено пленка остида сабзавот етиштиришни тажриба қилиб яхши натижаларга эришмоқда. Ўтган йили беш гектар ерда ана шу усулда эртаги сабзавот етиштирдик. Бу йил 7 гектар майдонда пленка остида бодринг ва помидор етиштирмоқдамиз.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози чорвачилик комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи А. Эрматов совхоз комсомолларининг сут, гўшт етиштиришни кўпайтириш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳақида гапирди.

Бекобод район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Нурматова комсомол ташкилотларининг жанговарлигини оширишга тўхталиб ўтди. Ҳозир районда бу соҳада қатор тадбирлар амалга оширилаётир.

Музокарада шунингдек Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхоздан У. Мирзажонов, Ўрта Чирчиқ районидаги Тошкент от заводи партия комитетининг секретари М. Давронов, Янгийўл район комсомол комитетининг биринчи секретари Ю. Хайдуров ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб пахтакорлар, чорвадорлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирдилар.

Слетда юксак деҳқончилик маданияти учун бошланган юриш мусобақаси илғорларига кўчма Қизил байроқлар, қимматбаҳо буюм мукофотлари, дипломлар, эсдалик медаллари топширилди.

Слет ишида Тошкент область партия комитетининг секретари **П. В. Кострикова** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Суратда: ёш деҳқонлар область слёти қатнашчиларидан бир группаси.

А. МАЛЬЦЕВ фотоси.

ГАЛАБА 25 ЙИЛ БАЙРОҒИ

СОЛДАТ САҲИФАСИ № 55

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

„ОКЕАН“ МАНЕВРЛАРИДА

ХАРБИЙ КЕМА БОРТИДАН РЕПОРТАЖ

●

СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти манёврлари шартли ном билан «Океан» деб аталди. Поёни йўқ Тинч океанда олиб борилган бу маневрларда денгизчиларимизнинг билим ва жанговарлиги қай даражада эканлиги аниқланди.

— Бу маневрлардан мақсад, — дейди Ҳарбий Совет аъзоси, Қизил Байроқли Шимолий флот снёсий бошқармаси бошлиғи, вице-адмирал Ф. Сизов, — Флот кучларининг жанговар таълими даражасини ва штабларнинг оператив тайёргарлигини синаб кўриш ва янада такомиллаштиришдан иборат бўлди.

Шимолий Атлантика. Пағапаға булутлар ортидан қуёш гоҳ пайдо бўлади, гоҳ йўқолади. Сув кўм-кўк. Бир неча минутдан кейин теварак-атрофни туман босди. Кучли шамол атрофга сув сачратади. Лекин, буни шимолий денгизчилар назар-писанд қилишмайди. «Шимолликлар» кемалари ўз базаларидан чиқиб «жанговар ҳаракат» райони томон йўл олди.

Баренцев денгизида крейсер «душман» разведкаси билан тўқнашди. Булутлар ортидан нишон кўринди. Крейсер шу заҳоти уни мўлжалга олди. Мўлжал шунчалик аниқ эдики, нишон ҳатто олмадек бўлганида ҳам шикастланиши аниқ эди. Крейсер СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти биринчилигида ўтказилган мусобақаларда бежиз ғолиб чиқмаганлигини исботлади.

Барча хилдаги — сув ости ва сув юзида сузадиган кемалар, жанговар кемалар билан параллел йўлда ҳаракат қилаётган ёрдамчи кемалар қатнашаётган бу маневрда «жанговар ҳаракат» жойига боришда дастлаб кўрган кичик эпизодим ана шу бўлди.

Ҳавога ракета ташувчи самолётлар қўтарилди. Бир неча юз метр нарида совет конструкторлари ва ишчилари тафаккури ҳамда меҳнати билан яратилган ракета ташувчи атомоходлар ўз позицияларитомон боришарди. Бундай кемаларнинг пайдо бўлиши ўз вақтида сув остида сузишни ривожлантиришда революция ясаган эди.

Сув ости ракета ташувчи атом кемалари лозим бўлганда кучни мукаммал сафарбар қила олиши, кенг кўламда сузиши, яшириниши билан, қудратли зарбаси ва юқори чидамлилиги билан ажралиб туради. Ҳозирги замон совет Ҳарбий-Денгиз Флотининг асосий зарба кучи бўлган сув ости атомоходларининг роли бениҳоя улкандир. Кемалар ва самолётларнинг жанговар имкониятлари мукаммаллашиши СССР-да илмий-техника тараққиёти, мустаҳкам базанинг мавжудлигидадир.

Лекин, бунда совет денгизчиларининг умумий ва техник билим даражасининг юқорилиги, аъло даражадаги жанговар ва снёсий тайёргарлиги энг муҳим куч бўлиб қолади.

Маневрлар кўлами ва вазиятнинг тезда ўзгариб туриши денгизчилар ва офицерлардан пухта ва ўйлаб иш тутишни талаб этади. Бу ўринда штаб офицерлари автоматика, жумладан электрон ҳисоблаш ва хулоса чиқарувчи машиналар ёрдамига таянишади.

Маневрда, жанговар кемаларнинг бирида бўлганимда штаб ўз кемалари ҳаракатини қандай бошқарганининг гувоҳи бўлдим. Олинган маълумотлар электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида таҳлил қилинарди. Автоматика бўлажак ҳаракатларининг илмий асосланган вариантларини аниқлашда, улардан энг мақбулини таклаб олишда офицерларга ёрдамлашарди.

Электрон ҳисоблаш техникаси жанговар кемаларнинг мажбурий жиҳози ҳисобланади. У океанда жанговар кемаларнинг ҳаракат пайтида, ўзгарувчан жиддий вазиятларда олинаётган маълумотларни тахлил қилиб беради, субъектив хатоларни бартараф этишда кўмаклашади, олинган маълумотларни, элементар функцияларни таҳлил қилишдан офицерларни халос этади, ижод қилиш учун максимал имкониятларни яратиб беради.


«Океан» маневрларининг кўлами ва жўшқин ҳаракати флот денгизчилари ва офицерлари учун энг яхши мактаб ҳамда уларнинг жанговар маҳоратини синаб кўрадиган катта кўрик бўлди.

Флот қирғоқ бўйларида ҳаракат қилган дамлар орқада қолиб кетди. Эндиликда кўплаб ҳарбий денгизчилар кўкрагини «Узоқ сафар учун» значоги безаб турибди. Денгизчи учун энг яхши мактаб бепоён океан бўйлаб сузиш бўлиб қолди.

Еш денгизчиларнинг ўз постларида уддабуронлик ва аниқлик билан ҳаракат қилаётганларини, офицер ва старшиналар денгизчилар ҳаракатига моҳирлик билан раҳбарлик қилишаётганлигини кўриб қувонасан.

Поёнсиз Тинч океанда совет флотининг шартли «Океан» деб номланган маневрлари муваффақиятли ўтди.

М. ПОПОВ,
АПНнинг махсус мухбири.
Шимолий Атлантика, «Н» кема борти.



Суратда: ракеталар старт олдидан. И. НИКИШОВ фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ОТА-БОЛА ТЎПЧИ

Тақдир уларни жангоҳга бирга олиб борди.

У вақтда Болтабой Ҳолиқов киностудияда хизматчи, ўғли — кўзининг оқу-қораси Абдувакил эса ўрта мактабнинг 8-синфини тамомлаган навқирон йигитча эди.

Ота-боланинг орзулари бошқача эди.

Ўтмиш замонда ўқимай қолган Болтабой ака фарзандини илмли киши қилиб тарбиялаш, ўзи етиша олмаган чўққиларга Абдувакилни олиб чиқиш учун интиларди. Ўғли ҳам Улуғбек номидаги 16-мактаб ўқувчилари орасида умидли ёшлардан бири саналарди. Аммо даҳшатли уруш ҳамма режаларни чиппакка чиқарди.

Ота-бола 1942 йили март ойида Москва ҳарбий округига бориб тушидилар. Болтабой ака ўғлидан бошқа батареяда эди. Шунинг учун командирга:

— Ўғлим шу ерда, у билан бирга бўлсам, — деб илтимос қилди.

Полковник комбатга:

— Ота-бола бир жойда бўлишсин! — деб буйруқ берди.

1943 йилнинг ёзида Болтабоевлар расчёти (бу расчёт беш ўзбек, бир озарбайжон ва бир рус йигитидан ташкил топган эди) Калинин фронтида жанг қилдик. Уруш авжи қизиган палла. Душман чекинишни истамай, жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатар, бизникилар кун сайин ташаббусни қўлга олаётган дамлар эди. Расчётга «Ўт очилсин!» деган команда бўлди.

— Яна 2 та мина берилсин, Болтабоев! — командирнинг буйруғи эшитилди.

— Балли, азаматлар! — мамнун бўлган командирнинг овози эшитилди яна.

Маълум бўлишича, расчёт отган миналар блиндажга аниқ тушиб, траншеяларга жон ҳолатда қочаётган 15 фашистни ер тишлатган экан. Шундан сўнг ота-болага «Аълочи артиллериячи» значоги берилди.

Смоленск атрофларида ҳам расчёт қўшинларимизнинг олға силжиши учун мадад берди.

— Бу ерда бир ўлиб тирилганмиз, — ҳикоя қилади Абдувакил ака. — Энди тўпимизни чуқур қазиб, паналашга улгурган ҳам эдикки, ариқ ёқасида душманнинг катта снаряди портлади. Шундан сўнг ўзи нима бўлганлигини эслай олмайман. Баданим чўгдек қизиб ёнар, ёруғ жаҳон кўриммасдй кўзимга. Кейин билсам, тупроқ мени кўмиб ташлаган экан. Олдимда турган фарғоналик Ҳайдаров деган йигит мени қазиб олишга улгурмаганда... Ҳушимга келгач, душманни қувишда давом этдик. Духовщина қишлоғида ҳам қақшатгич жанглар бўлди.

— Отанинг ҳаёли болада, боланинг ҳаёли далада — деганларича бор экан, — сўзини давом эттирди суҳбатдошимиз. — Духовщинада дадам яradор бўлдилар. Врачлар санчастга олиб кетишмоқчи эди, дадам: «Болам, қиёмат-қойим уруш бўлиб турса-ю, мен у ерда нима қиламан, сени ташлаб кетмайман» деб туриб олдилар. Йўқ, уч кундан сўнг ноилож юбордик. Тез орада даволаниб, ёнимизга қайтиб келдилар.

Витебск йўналишидаги бир тепаликда тенгсиз жанг борарди. Отишма қизиган, стволлар жаранглар эди. Очиқ сайҳонликдаги жангчиларимиз устига душман ўқ ёмғири ёғдира бошлади. Шунда расчётга тўпни орқага судраб келиб, майда дарахтлар орасига яшириш ҳақида команда берилди. Жангчилар тўпни пастга югуртириб кетишди. Олдинда Болтабой ака, тўпнинг орқасида таянч плитасидан итариб Абдувакил боришарди. Шу пайт кутилмаганда падари орқасига зарб билан қулаб тушади. Телба ўқ унинг кўксини яроғлаган экан. Бу ўқни Болтабой ака ўғлимга тегмасин деб, бағри билан тўсганми, балки, эҳтиёт бўл ўғлим, дея қичқирганми, ҳаракатлай қаттиқ ҳаяжон билан фарзандига ташланиб, сўнг ерга йиқилган...

— Меҳрибонимни қуролдош дўстларим билан йўл чеккасига олиб чиқиб, дафн этдик, — дейди Абдувакил ака ўша даҳшатли онларни эслаб.

Ўз кўзи олдида юз берган бундай фожиа ёш жангчида фашист газандаларига қарши нафрат туйғуларини янада оловлатиб юборди. Отасининг қабри устида «қонга қон, жонга жон оламан» деб онт ичган Абдувакил энди илгаригидан ҳам ғайрат билан жанг қилар, куну тун разил душманни қириш ҳаёли билан яшарди. Контузия бўлган, тиззасидан яраланганлигига қарамай жанг йўлларидан четга чиқмади. Оршадан, Неман дарёсидан ўтиб, Польша, Шарқий Пруссия ерларига кириб борди. Неман дарёсидан ўтишда пиёда қўшинларни ҳаво ҳужумидан сақлаб, душманнинг бир самолётини уриб туширди. Нетма-кет «Жасурлиги учун», «Жанговар хизматлари учун», «Кенгсбергни олганлиги учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланди.

У уруш туфайли отасидан жудо бўлди. Бирга ўсган амакисининг ўғли, ўқитувчи Усмон Исмоилов, авиацияда хизмат қилган тоғаси Зоҳид Қорнев каби меҳрибонлари ҳам фронтдан қайтмадилар.

Бугунги Ғалаба байрами арафасида пойтахтнинг Киров районидаги 5-болалар поликлиникаси шифокори Абдувакил Болтабоев мана шу марҳумлар ҳаққи «Йўқолсин уруш, бор бўлсин тинчлик!» дея хитоб қилади.

Б. ПЎЛАТОВ.

КАЛБ САТРЛАРИ

ЖАНГЧИ ШОИР АШИРМАТ ЭГАМНАЗАРОВНИНГ «ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» РЕДАКЦИЯСИГА ХАТИ

1943 йил 11 март

«... Мен хизмат қилаётган қисм жангчилари ҳужум пайтларида жуда кўп ботирлик ва мардлик намуналарини кўрсатдилар. Шулар ҳақида ёзиб юбораман.

Бизда Хожи Бобоев деган пулемётчи фарғоналик йигит бор эди. У душман билан тўла бўлган бир қишлоққа кириб, бир уйга пистирма қуриб олди. Шу ердан туриб 300 фашистни ўлдирди. Немислар уни ҳеч нарса қила олмагач, у турган уйга ўт қўйдилар. У ёнаётган уйда туриб курашни давом эттирди ва уй билан бирга ёниб ҳалок бўлди. аммо душманга бош эгмади.


Биз қишлоқни олгач, унинг жасадини топдик ва унинг атрофида 300 мурда думалаб кетганини кўрдик. Унинг овозаси бутун фронт бўйлаб кетди, у ёшлар учун ботирлик намунаси бўлиб қолди. Халқимиз фарзандларининг бундай қаҳрамонлик намуналарини ёзган билан адо бўлмайди. Мен ҳаммасини сизга етказмоқчиман, аммо ҳозирча иш кўп, зарурроқ ишлар кўп. Зотан мен: «Даҳшатли жангларда тирраган киши лаънатла кўмилсин, у ўзбек эмас»,—деган сўзларни шу йигитлардан эшитгандим.

Бир қаттиқ урушда қатнашиб, ўнг оёғимдан яradор бўлдим (ўқ тегди), аммо касалхонага кирмасдан сафда юриб, даволандим, ҳозир тузалиб кетдим. Бир жангда ҳал қилувчи роль ўйнаганим учун мени қўмондонлик Қизил Байроқ ордени билан мукофотлашга ёзиб юборди. Олсам, суратга тушиб, хотира учун сизга юбораман.

Сиз, газетангизда район маркази Волово ҳамда Косторное шаҳри билан темир йўл узелининг олинишини ёзиб чиқаргандирсизлар, ана шу ерларнинг озод қилинишида мен ва менинг дўстларимнинг ҳам хизмати бор. Биз ҳар куни сиздан узоқлашиб, тиззадан қор кечиб, ғарб томон кетмоқдамиз. Ғалабага яқинлашиб бормоқдамиз. Ғалаба бахт ва озодлик байрамининг бошланишидир. Биз қуёшни фақат ғарбий уфқда кўрамиз, чунки икки кўзимиз — ғарбда.

Мен билан бирга бўлган ўзбек йигитлари ўзбекнинг мағрур номини оловдан, сақлаб зўр дарёлардан шараф билан олиб ўтмоқдалар. Мен уларнинг номини сизга ва сиздан орқали ўзбек халқига етказиш учун уйқунинг баҳридан кечаман ва тирик эканман қўлимдан келган хизматни қилиб қоламан...

АШИРМАТ.



Суратда: танк бўлинмаси атакага киймоқда. М. Редькин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ОҚ ЙЎЛ, ЙИГИТЛАР!

Йиғилиш пунктига ҳарбий хизматга чақирилганлар, уларнинг ота-оналари, таниш-билишлари тўпланишган. Ватан олдидаги муқаддас бурчини бажаришга отланган йигитлар қалбида ҳаяжон, чеҳраларида қувонч ва жиддийлик.

Тошкент шаҳри ва областидан Совет Армияси сафига чақирилган ёшларни кузатишга бағишланган митингни Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ҳ. Ёқубжонова очади. Область партия комитетининг секретари Б. Абдураззоқов ва республика ҳарбий комиссариатининг снёсий бўлим бошлиғи полковник Н. Кургузов ўртоқлар ҳарбий хизматга жўнаётган ҳамшаҳарларимизга оқ йўл тилаб, партия ва Ватан буюрганидек хизмат қилишга чақиришди. Чақирилувчилар номидан сўз олган бекободлик Неъмат Холмирзаев, олмалиқлик Владимир Ивашов, чирчиқлик Борис Малецкий оталари ва акалари йўлидан бориб, муносиб ўринбосарлар сифатида хизмат қилажаклари тўғрисида сўз бердилар.

900 КУН ОЛОВЛИ ҲАЛҚАДА

ШАҲАРНИНГ қуршовда қолганлиги энди ҳеч кимда шак-шубҳа туғдирмас эди. Ленин номидаги шаҳар бўсағаларида қонли жанглар борарди. Немис босқинчилари Ленинград кулини кўкка совуришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Вазият бир неча ойдаёқ мушкул бўлиб қолди. Шаҳар мамлакатнинг бошқа қисмидан бутунлай узиб қўйилган эди. Очлик, совуқ, ташналик аҳолини ва жангчиларимизни қийнар эди.

Лекин Ленинград мудофаачиларининг қадди заррача ҳам букилмас, уларнинг қалби фашистларга нисбатан газаб ва нафрат ўтида ёнар эди. Солдат ва офицерларимиз шаҳарни сўнгги томчи қонлари қолгунча мудофаа қилиш учун қасамёд қилган эдилар. Даҳшатли 900 кунни бошидан кечирган азамат жангчиларимиз орасида ўзбекистонлик йигит Карим Жалилов ҳам бор эди.

Жангдан бўшаган пайтларида у қариндош-уруғларини, туғилиб ўсган юртини ўйларди. «Кечагина юрган болз эдик. Институтни битириб, тузукроқ ишлаб улгурмасимизданоқ мана бу ёқларга келиб қолдик... Шу дақиқаларда онажоним балки мени ўйлаётгандир. Бечора онагинам. У ҳар доим мен ҳақимда қайғурар эди...». У узоқ вақтгача ҳаёл суриб ўтирар ва кўз ўнгидан севимли Тошкент шаҳрининг кўчалари бир-бир ўтар эди. У мана шу шаҳарда туғилган. Мана шу шаҳарда воя га етган. Мана шу шаҳарда ишчи бўлишдек бахтга мушарраф бўлган. Институтни битирди, юрист бўлди. Мана шу шаҳардан у шонли Совет Армияси сафига чақирилди.

КАРИМ Жалилов даставвал Карелофин автоном областининг Виборг шаҳридаги Қизил Байроқли 43-ўқчи дивизияда оддий солдат бўлиб хизмат қилди. Немис босқинчилари гулгун диёримизга хиёнаткорона ҳужум бошлаганларида Карим Жалилов хизмат қилаётган дивизия Ленинград мудофаасига юборилади.

1942 йил бошларида у олти ойлик командирлар тайёрлайдиган курсга жўнатилади. Ўқишни муваффақиятли битирган Каримжон артиллерия лейтенанти унвонида ўз дивизиясига қайтиб келади.

Солдатлар орасида «бизнинг фронтимиз Волхов фронти билан бирлашармиш» деган миш-миш гаплар юриб қолди. Бу гап рост бўлиб чиқди. 1943 йил 22 февралида қўмондонлик икки фронтни бирлаштирди. Бу ҳол жангчиларни жуда руҳлантириб юборди. Фашист газандаларига қақшатгич зарба бериш кунлари яқинлашиб қолган эди...

— Командирлик бир куни менга Нева дарёсидан ўтиб, немис офицерини тутиб келтириш вазифасини топширди, — деб эслайди Карим ака, — бу вазифани бажариш ҳам хавфли, ҳам шарафли эди. Старшина Иван Сидоров ва кичик сержант Костя Попов — учовлон йўлга тушдик.

...Улар оқ кийимлар кийиб олишган эди. Невадан эмаклаб ўтган уч йигит 200 метр чамаси нарида тутун чиқаётганини пайқаб қолишади. Бу немис блиндажи бўлса керак, унинг атрофида автомат осиб олган қўриқчи турар эди.



— Костя, — шивирлади Карим Жалилов, — сен чап томондан борасан, мен ўнг томондан, эҳтиёт бўл...

Орадан бир неча дақиқа ўтди. Соқчининг кўзини шамғалат қилишган йигитлар унинг устига ташланишади. Карим Жалилов ҳаёлига командирнинг сўзлари келиб қолади. Унга ахир офицер ушлаб келиш топширилган эди-ку... Қалтис бўлса ҳам тавакқал қилишга қарор қилди. «Иван, сен соқчининг кийимини кий, блиндажга тушиб, «мехмон» бўламиз...

Улар ертўлага тушишди. Темир кроватда икки немис офицери бамайлиҳотир ухлаб ётишарди. Совет офицерини кўрган газандалар тили айланмай қолди. Уч баҳодир жанговар топшириқни шараф билан бажариб, асирларни ўз командирлари олдига олиб келишади. Ўшанда Карим Жалилов кўрсатган мардлиги учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланади.

— Ленинград фронти Волхов фронти билан бирлашгач бепоён Ватанимиз билан алоқа ўрнатилди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан жангчиларимизга ва шаҳар аҳолисига аталган совға-саломлар кела бошлади. Кунларнинг бирида Ўзбекистондан Ленинградга делегация келганлиги ҳақида хабар эшитган Карим ака командири С. Лобадзенский олдига югуради.

— Бир хушхабар эшитдим, Ўзбекистондан делегация келган эмиш, — деб сўради Карим ака командиридан.

— Рост гап, ўзим ҳам сени қидираётган эдим, бориб юртдошларинг билан бир чақчақлашиб кел, улар Смольнийда тўхташган, — деди командир мамнун оҳангда.

— Ўша келдимми, югуриб келдимми ҳамон эслай олмайман, — дейди Карим ака ўша пайтларни хотирлаб. — делегация аъзолари мени қучоқлаб қарши олишди. Улар орасида ҳамкасабам, республика прокуратурасининг кадрлар бўйича ёрдамчи прокурори Ҳосият опа Мўминова ҳам бор экан. Опа менга қараб:

— Каримжон, жангчи дўстларингга бизнинг саломимизни етказ, мана бу совғаларимизни топшир, яна шуни айтгинки, бизлар жуда ҳам кучлимиз. Фронт орқасида ҳамма бир жон-у, бир тан бўлиб меҳнат қилмоқда. Колхоз ва совхозлар даласида, завод ва фабрика цехларида ғалаба заминни яратилмоқда. Ғайрат қилинглар, бизлар, албатта, зафар қучишимиз керак, — дедилар. Унинг гаплари қалбимни шунчалик туғёнга солдики, шу ердан тўппа-тўғри жанг майдонига отилгим келди.

...ҚАҲРАМОН совет жангчилари босқинчиларни Ленинград бўсағаларидан орқага қайтариб ҳайдадилар. Гитлерчилар бир неча юз километр нарига улоқтириб ташландилар. Талвасачи Гитлернинг Ленинград шаҳрини бир неча кун ичида забт этмоқчи бўлган режаси пучга чиқди.

Карим Жалилов жуда кўп жангларда иштирок этди. Ниҳоят у 1944 йилнинг бошларида қаттиқ жароҳатланади. У кантузия бўлиб тилдан қолган эди. Шу йилнинг май ойида фронтдан уйига қайтади. У она юртига қайтганида унинг кўкрагини бир неча орден ва медаллар безаб турар эди.

Карим ака яна тинч меҳнат қучоғига отилади. У мутахассислиги бўйича турли лавозимларда хизмат қилади. Улуғ Ватан урушининг ветерани, довюрак офицер, юрист Карим Жалилов шу кунларда Каримин район прокурорининг ўринбосари бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мен ҳеч қачон уруш бўлмаслигини истар эдим. Биз кўрган уруш даҳшатларини ёш авлод ҳеч қачон кўрмасин, — дейди қалб сўзларини баён этар экан Каримжон ака.

Р. УМАРОВ,
М. ИБРОҲИМОВ.

ЖАНГОҲДАН МАКТУБ

ЛЕЙТЕНАНТ Ғ. АҲМЕДОВНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОН ЎРТАСАРОЙ ҚИШЛОҚ СОВЕТИДАГИ ҲАМҚИШЛОҚ КОЛХОЗЧИЛАРИГА, ЁР-БИРОДАРЛАРИГА МАКТУБИ

1944 йил 22 июнь.

«Бу мактубни фронтдан, дам олиш пайтида ёздим. Мактубни ёзаётганимда колхозимда ҳозирги қилинаётган ишларни бирма-бир кўз олдимдан кечирдим...

Артиллерияни урушнинг «худоси», деб айтадилар. Совет артиллерясининг кучини ва унинг қаттиқ зарбаларини душман ўз бошида синаб кўрмоқда. Мен тўпчи номини олганим билан фахрланаман.

Тошкентдаги педагогика институтининг физика-математика факультетида ўқидим. Олган билимларим артиллерия сақъатини эгаллашда кўп ёрдам берди ва бермоқда. Урушнинг биринчи кунлариданоқ отлиқ аскар бўлиб хизмат қилдим. Бизлар немис фашист галаларининг йўлини тўсдик. Чавандозларимиз немис ҳужумкорлари орасини ёриб ўтиб, босқинчи харомиларнинг каллаларини узиб ташладилар.

Жангларнинг бирида оғир яradор бўлдим. Мени даволанишга юборишди. Врачлар меҳрибонлиги, ғамхўрлигида даволаниб, ўқишга кетдим. Уч ойдан кейин наводкачи бўлиб яна фронтга қайтдим. Бу сафар Волга соҳили томонига, қаҳрамон Сталинградга қараб йўл олдим. Қонли жанглар давом этмоқда эди. Мен наводкачи бўлиб хизмат қилган тўп расчети душманнинг миналаб солдатини қирди, уларнинг техникасини яксон этди... Мен танкотар взвод командири бўлиб тайинландим ва младший лейтенант деган унвонга сазовор бўлдим.

Взводимиз жангчилари Ельня, Вязьма, Дорогобужин ва Смоленскни озод қилиш учун олиб борилган жангларда қатнашиб, душманнинг учта оғир танки, битта «фердинанд», ўзи юрар тўпи ва 10 замбарагини яксон қилишди. Жангчиларимизнинг кўпчилиги орден ва медаллар билан мукофотланди. Мен ҳам «Жасурлик учун» медали билан мукофотланиб, лейтенант бўлдим. 1943 йилнинг ёзидаги ҳужум жангларида улуғ Ленин партияси сафига кирдим.

Белоруссияни озод қилиш учун олиб борилган жангларнинг бирида учинчи марта яradор бўлдим. Ҳозир соғайдим. Яна жангга!

Азиз ота ва опалар, оға-ини ва опа-сингиллар, ёр-биродарлар, укаларим—пионерлар! Пахтадан юқори ҳосил олмоқ учун кўп куч ва меҳнат сарф қилмоқ керак. Ўз ишларингиз тўғрисида менга хат ёзишингизни сўрайман. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз душман устидан узил-кесил ғалаба қозониш кунини яқинлаштиради.

Ҳаммангизга жанговар салом!

Лейтенант Ғофур АҲМЕДОВ».

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ҚАТЪИЙ ОГОҲЛАНТИРИШ

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Америка қўшинларининг Камбоджага қурол кучи билан бостириб кирганликлари муносабати билан СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Москвада ўтказилган матбуот конференциясида Совет ҳукуматининг баёнотини эълон қилган эди. Бу баёнот бутун жаҳон матбуотининг зўр эътиборини ўзига жалб этди. Газеталар матбуот конференциясининг материалларини батафсил босиб чиқармоқдалар ва бу материаллар ҳақида ўз шарҳларини эълон қилмоқдалар.

●

СОФИЯ. Болгарияда чиқадиган «Земеделско знаме» газетаси баёнотга бундай баҳо беради: «АҚШ ҳукуматининг навбатдаги хатарли ҳужумлари, АҚШнинг халқаро жандарм сифатидаги роли принципиал ва конкрет равишда фош қилиб ташланди». Бу ҳужжат Америкаининг Камбоджадаги агрессиясидан кейин Ҳинди-Хитой ярим оролидаги аҳвол тўғрисида ҳам, бутун дунёда тинчлик тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилинаётганлигини анс эттиради. Халқаро ҳуқуқ яна қўпол равишда бузилганлиги орқасида бутун дунёда тинчлик хавф остида қолди, деб таъкидлайди газета.

●

ПРАГА. Чехословакиядаги «Руде право» газетасининг обзорчиси М. Мадр қуйидагиларни ёзади: Америка қўшинларининг Камбоджага бостириб кирганлиги, шунингдек Вьетнам Демократик Республикаси яна бомбардимон қилинаётганлиги Америка агрессияси жиноий ва жуда хатарли равишда кучайтирилаётганлигидан далолат беради. Америкаликлар Женева битимларини яна парчалаб йиртмоқдалар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини поймол этмоқдалар».

Чехословакия жамоатчилиги, деб ёзади газета, АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги янги жиноятларини зўравонлик ва агрессиянинг энг разил ҳужуми деб ҳисоблайди. Соф виждонли ҳар бир инсон бу ҳужумга қарши кескин норозилик билдиради. Шу сабабли биз Совет ҳукуматининг Москва да ўтказилган матбуот конференциясида А. Н. Косигин баён қилиб берган фикрига тамомила қўшиламиз.

●

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасининг матбуоти Совет ҳукуматининг СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин томонидан эълон қилинган баёнотини шарҳлаб, бу баёнот АҚШ ҳукуматини Камбоджадаги жиноий агрессияни тўхтатишга, Америка қўшинларини бу мамлакатдан олиб чиқиб кетишга қатъий даъват этади, деб ёзмоқда. Газеталар ўз сарлавҳаларида «Совет Иттифоқи АҚШнинг Камбоджага бостириб кирганлигидан тегишли хулосаларни чиқариб олади», «Агрессорлар шармандаи-шармисор қилинсин», «Камбоджага бостириб кирилганлиги халқаро аҳволни мушкуллаштиради», деб таъкидламоқдалар.

●

ВАРШАВА. Польшанинг «Жиче Варшавы» газетаси ёзади: «Совет Иттифоқининг садоси бутун дунёда тинчликка хавф-хатар туғилган ҳамма ҳолларда бўлгани каби бу сафар ҳам кудратли ва қатъий садо бўлиб янгради. Агрессив империалистик доиралар бу билан ҳисоблашмоқлари керак, чунки социалистик давлатнинг ана шу садоси унинг бутун дунёда тинчлик иши учун ва халқлар озодлиги учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларда қатъий ҳаракат қилишидан кўп марта далолат берган эди».

●

ПАРИЖ. «Юманите» газетасининг бош редактори Рене Андрие шу газетада қуйидагиларни ёзади: «Совет ҳукуматининг бошлиғи Никсоннинг сиёсатини қатъиян қоралади ва АҚШ халқаро жандарм ролини ўйнаш учун ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмаслигини кўрсатди. Ҳинди-Хитой халқларининг кураши, социалистик мамлакатларнинг бирдамлиги ва жаҳон жамоатчилигининг норозилигига АҚШнинг бемаъние сиёсатидан воз кечишга мажбур эта олади».

(5 май ТАСС).



Перу кончилари Американинг «Серро де Паско корпорэйшн» компаниясига қарши норозилик билдириб, уч ҳафта ишга чиқмадилар. Улар қўшимча ишлаганликларига ҳақ тўланилмаётганлигига, уй-жой билан таъминланмаётганликларига норозилик билдирдилар. Ҳукумат компанияга кончиларнинг талабини қондиришни буюрди. Суратда: Намойишда қатнашган кончи ўз оиласи билан.

Е. Ельшов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

АГРЕССИЯГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

ҚОҲИРА, 6 май. (ТАСС). Исроил АҚШ империалистик доираларининг бевосита мадади билан араб халқларига қарши агрессив урушни давом эттирмоқда. Бу урушда болалар, аёллар ва граждан объектларининг ишчилари қурбон бўлмоқда. Шундай вазиятда Бирлашган Араб Республикаси Совет Иттифоқининг кўмагида ўз мудофаасини мустаҳкамламоқда ва ўз территориясини, қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Осиё ва Африка халқлари Бирдамлиги ташкилоти доимий секретариатининг бу ерда тарқатилган баёнотида шу ҳақда гап боради.

Империализм, ирқчилик, агрессияга қарши ягона фронт бўлиб ҳаракат қилаётган Бирлашган Араб Республикасига ва унга дўст бўлган давлатларга, аввало Совет Иттифоқига қарши Исроил шовқин-сурон билан пропаганда олиб бормоқда.

Араб халқлари ва уларнинг қуролли кучлари, шунингдек халқ қаршилиги кучлари Исроилнинг империалистик агрессиясига ва сионистлар билан америкаликларнинг кирдикорларига қарши курашиш йўлидаги азми қарорларини мустаҳкамламоқдалар.

Баёнотда Осиё ва Африкадаги ҳамма тинчликсевар халқлар, дунёдаги антиимпериалистик кучларга мурожаат қилиниб, ўз ерларини қайтариб олиш учун, ўзларининг қонуний ҳуқуқлари учун курашаётган араб халқларига ёрдамни кенгайтиришга дават этилади.

ИСРОИЛНИНГ ИҒВОГАРЛИГИ

АММОН, 6 май. (ТАСС). Иордания армиясининг вакили бу ерда айтдики, кеча кунининг иккинчи ярмида Исроил ҳарбий самолётларининг бир неча группаси Иордан дарёси бўйлаб ўтган тош йўлнинг шимолий Шуна қишлоғи билан Крайма қишлоғи ўртасидаги қисмига ҳужум қилди. Самолётлар ўққа тутиши натижасида тинч аҳолидан 4 киши яраланди.

БМТДА ТАРҚАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 май. (ТАСС). СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий ваколатхонаси СССР Министрлар Совети раиси А. Н. Косигин Москвада ўтказилган матбуот конференциясида ўқиб берган СССР Ҳукумати Баёноти текстини тарқатди.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ХАНОЙ, 5 май. (ТАСС). Озодлик матбуот агентлиги хабар беради: апрелнинг дастлабки йигирма куни ичида Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари Жанубий Вьетнамнинг ҳамма фронтларида душманнинг ҳарбий объектларига жуда кўп қаттиқ зарбалар бериб, душманнинг 50 минг солдатини, шу жумладан Америка солдатларидан 20 минг кишини сафдан чиқардилар. Жанубий Вьетнам ватанпарварлари душманнинг 500 дан кўпроқ самолётини уриб туширдилар ва шикастлантирдилар, бир мингдан кўпроқ ҳарбий машинани, шу жумладан 800 танк ва бронетранспортёрларни яксон қилдилар.

ҲИНДИ-ХИТОИДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛСИН!

ХЕЛЬСИНКИ, 6 май. (ТАСС). Финляндия Коммунистик партияси АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги янги агрессив ҳаракатларини кескин қоралайди ҳамда Вьетнам, Камбоджа ва Лаос халқларига ўз тақдирларини ўзлари эркин равишда ҳал қилиш имкониятини бериб қўйилишини талаб қилади. Финляндия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бу ерда тарқатилган қарорида шундай дейилган. Қарорда Финляндия ишчилар синфига мурожаат қилиниб, Ҳинди-Хитой халқлари билан бирдамлик кампаниясини кучайтиришга чақирилади.

Финляндия Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шуни таъкидлайдики, АҚШ ва унинг малайлари қўшинларини Вьетнам, Камбоджа ва Лаосдан дарҳол, ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетиш дунёнинг шу районидаги мамлакатлар тинчлиги ва мустақиллигининг бирдан-бир гарови бўла олади.

Финляндия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Финляндия ҳукуматини Ҳинди-Хитойдаги агрессияни тўхтатиш ва тинчликни тиклашни талаб қилишга, агрессия қурбони бўлган халқларни қўллаб-қувватлашга, Вьетнам Демократик Республикасини тан олишга ва Жанубий Вьетнам Республикасининг муваққат революцион ҳукумати билан нормал муносабатлар ўрнатишга чақирди.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Мульт. фильм. 18.20 — Телеангликлар. 18.35 — «Телевиденне Тошкентга қайтиб келди» (ҳужжатли фильм).

Ўзбек тилида: 18.55 — «Халқ хизматида». 19.30 — Буюк ғалабанинг 25 йиллиги олдидан. «Шинелли йиллар хотираси.

Соат 20.00 дан: Радио ва телевиденне кунига бағишланган концерт (Навоий номли Давлат Академик Катта театрдан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида телеангликлар. Концерт охирида «Бўстон» тележурнали).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00—Сиртдан ўқиётган студентлар учун немис тилидан 32-машғулот.

Ўзбек тилида: 18.30 — Ота-оналар учун консультация. 19.00 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Сиёсий иқтисод». 19.25 — Инглиз тилидан 32-машғулот.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «Инқилоб радиоси» (Телефильм).

Рус тилида: 20.30 — Буюк ғалабанинг 25 йиллити олдидан. «Мен — Берёза» (Телевизион бадиий фильм). 21.35 — «Александров ораторияси» (Фильм-концерт).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/V да Аяжонларим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/V да Ғавҳари шамчироғ, 8/V да Нурхон.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Липипутлар иштирокида джаз-оркестр гастроллари.

«ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ САРОЙИДА — Ленинград Давлат муз устидаги балетининг гастроллари.

КИНО

Қироллар, регентлар ва масхарабозлар — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ужар Кура — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да). «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11.45, кундуз 4 да).

Уруш сўнг кеч соат 6 да — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11.45, кундуз 1.30 минутларда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Халоскорлик (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6 ва 9 да).

Муҳаббатнома (2 серия) — «ЧАЙКА» (кундуз соат 1 ярим, кеч 6 ва 8.40 минутда).

Омонат уй — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Эски уй — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Тўй кунида — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

«Мерседес» муаммоси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Липипутлар иштирокида

ДУНЁДА ЯГОНА ДЖАЗ-ОРКЕСТР ГАСТРОЛЛАРИ

Постановкачи — РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими М. КАЧУРИНЕР.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

БОЛГАРИЯ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

9 ва 10 май кунлари уч марта: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади. Касса эрталаб соат 11 дан очиқ.

Стандарт ва ўлчов техника учун Давлат назоратининг УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ЛАБОРАТОРИЯСИГА барча мутахассисликлар бўйича инженер ва техниклар, иқтисодчилар, машинистлар (иш ҳақи-келишув бўйича).

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент-169, Ҳувайдо кўчаси. 45 уй, кадрлар бўлими. Телефонлар: 445745, 446028.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 МАЙДА

Еш ижрочилар концерти

Қатнашадилар: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар МУҲАББАТ ШАМАЕВА, ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА, VI Жаҳон фестивалининг лауреати Анвар РУСТАМОВ.

Солистлар: Гулшод ОТАБОЕВА, Манзура МУМИНОВА, Дилафруз ЖАББОРОВА, Ильёс МАЛЛАЕВ, Роза КАКУРИЕВА, Уткир ҲОЛМУҲАМЕДОВ, Хасан ЙЎЛДОШЕВ, (юмор, сатира ва интермедиялар) Одилжон ОХУНЖОНОВ (юмор, сатира ва интермедиялар).

Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Концерт неч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОНТОРАСИГА

фильмларни текширувчи ва уларга шогирдлар, фильм базаси ишчилари, хроникаль ва илмий оммабоп фильмлар кинопрограммасини тузувчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, А. Қаххор кўчаси, 35 уй.

ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР, ҲАММА МИНИСТРЛИКЛАРНИНГ ВА ИДОРАЛАРНИНГ КОРХОНАЛАРИ, БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ, МАКТАБЛАР, ОЛИЙ ВА ЎРТА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ

студентлар, ўқувчилар, ишлаб чиқариш илғорлари фото суратга олиш учун, альбомлар, винетналар, нечаклар, тугиланган нуқлар, тўйлар ва бошқа саналарга таклиф билетлари тайёрлаш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Фото буюртмалар оқ-қора ва рангли фото суратлар ҳамда пластмасса ва керамика асосларда бажарилади.

Буюртмачининг талаби билан фото буюртмалар ҳар хил размерда альбом, рамка ва планшетлар безатилиб ишлаб берилади.

Тайёрлаб бериш муддати буюртмачининг хоҳиши билан белгиланади.

Ҳамма фотобуюртмалар «Фоторекламa» комбинати конторасида эрталаб соат 9 ярмдан кеч соат 6 гача: Тошкент шаҳар, академик Сулаймонова кўчаси, 23 уй (1, 4, 6, 10 троллейбусларнинг «Ленин кўчаси», 7, 8, 11 трамвайларнинг «Лоҳутий» бекатларида қабул қилинади.

«ФОТОРЕКЛАМА» ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ «ШАРҚ» МЕБЕЛЬ ФИРМАСИГА

дурадгорлар, станокчилар, прессчилар, шлифовкачилар, пардозчилар, металл бўйича токарлар, газ-электр пайвандчилар, юқорида кўрсатилган мутахассисликлар бўйича шогирдлар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар, машинистка, катта бухгалтер

КЕРАК

Хизмат кўрсатиш автобуси: Чилонзордан, XXII партсъезд, Революция хиёбонидан-«Шарқ» мебель фирмасига қатнайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Магазин-Мавзуи кўчаси, 254-уй (10, 14, 43, 56-автобуслар, 7, 10-троллейбусларнинг «Трактор йиғув заводи» бекати).

ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИГА

сепаратчилар, экстракторчилар, дистиллярчилар, фильтрчилар, форпрессчилар, 3—6 разрядли слесарлар ва электр монтёрлар

КЕРАК

Янги қабул қилинганлар иш жойида ўқитилади ва шу корхоналарга ойд бўлган иш жойларига командировкага юборилади.

Меҳнат ҳақи-вақтбай — мукофотли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жарқўрғон кўчаси, 47-уй (7, 12, 26 автобусларнинг, «Ёғ-мой комбинати» бекати). Телефонлар 91-26-85, 91-26-81.



ЧИРЧИҚДАГИ ўлкашунослик музейига Буюк Ғалабанинг 25 йиллигига бағишланган янги экспозициялар қўйилди. Улар орасида тошкентлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони Вальдемар Шаландининг мардона жасорати тасвирланган диорама ҳамманинг эътиборини ўзига тортмоқда. О. ЛЕВАК фотоси.

ЖАМОАТЧИЛИК КУЧИ БИЛАН

Пойтахтнинг «Бешқайрағоч» маҳалла меҳнаткашлари уюшқоқлик қўрсатиб ҳашаматли клуб биноси қуриб олдилар. Клубни жиҳозлаб, бино атрофига гуллар, дов-дарахтлар ўтқазидилар.

Бу хайрли ишни амалга оширишда маҳалла комитетининг раиси Ғафуржон Собиров бошлиқ активлар ташаббус кўрсатишди. Қурилиш ишларини маҳалланинг ўз усталари Алимов, Иноғомов, Сайфуллин ва монтер Баҳоев ўртоқлар амалга оширишди.

В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги муносабати билан бу ерда биринчи тантанали мажлис ўтказилди.

Р. УСМОНОВ,
шахсий пенсионер.
Октябрь райони.

«ҚУШЛАР — БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ»

Яқинда Калинин районидаги Ҳамид Олимжон номли 12-ўрта мактабда «Қушлар — бизнинг дўстимиз» деган темада ўткир зеҳнлилар мушоираси ўтказилди. Мушоирани мактаб илмий бўлим мудири, жюри раиси Муҳаммаджон Абдуллаев очди.

Музикалар садоси остида мушоира бошланди. 7-«А» синф — «Баҳор», 7-«Б» синф — «Ғалаба» командалари тарафма-тараф бўлиб беллашдилар. Биринчи саволни «Баҳор» командаси берди. Шу зайлда савол-жавоб, бадиий чиқишлар бир-бирига уланиб кетди.

Мушоирада «Ғалаба» командасининг қўли баланд келди. Очколар нисбати 25:20 бўлди. Ғолибларга мактаб дирекциясининг Фахрий ёрлиғи топширилди.

Мушоира якунида мактаб бадиий ҳаваскорлари ижросида катта концерт қўйиб берилди.

Б. САИДАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ҲАР ТЎҒРИДА

БИРМАЛИКЛАРНИНГ ҒАЛАТИ РАСМ-ОДАТИ

Шимолий Бирма Качин деб аталмиш тоғлик қабилалари орасида шундай расм-одат бор: оилада эгизак бола туғилса иккаласига ҳам битта ном қўйилади. Качинларнинг ишончларига кўра эгизаклар — бу икки чеҳрали бир одам эмиш. Болалар 9 ёшга тўлганида уларни синовга қўйишади: болалар қўлларини уч мартадан гурунч солинган кўвачага тиқишади. Гурунч доналаридан биттаси эса қизил рангга бўялган бўлади. Ана шу бўялган донни кўвачадан олган ҳақиқий ҳисобланиб, исм ҳам шунга тегишли бўлади.

Омади келмаган иккинчи бола эса исмсиз қолади. Шу синов кунидан эътиборан уни «Иккинчи» деб чақиришади.

«ИККИ ҚАВАТЛИ». ДАРЕ

Бетфак—дала чўлининг шимолий чеккасида ёзда қуриб қоладиган Сарисув сойининг «иккинчи қавати» борлигини Қозоғистон гидрогеологлари аниқлаб беришди. Қум чўлидаги бу сойнинг остидаги 30—40 метр чуқурликда яна бир сув оқими борлиги маълум бўлди. Сой тагидаги бу оқимдан секундига уч юз литрга яқин жуда яхши ичим сув олиш мумкин.

ГЕОЛОГЛАР ҒАЛАБАСИ

«Тошкентгеология» трести коллективи майолди меҳнат вахтасида ишлаб, муносиб зафар қучди. Геологлар тўрт ойлик пармалаш ишлари планини муваффақиятли адо этдилар. Бу борада, айниқса, пармаловчилар бригадаси бошлиқлари коммунистик меҳнат зарбдорлари Иван Пислегин ва Аҳад Зокировлар ташаббус кўрсатдилар.

Улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги учун трестга қарашли Олмалиқ Геология разведка экспедицияси хазинатопарлари коллективига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг юбилей Фахрий ёрлиғи берилди.

К. МУСАМУРОДОВ.

ЯНГИ АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ

Областимиз алоқачилари аҳолига алоқа хизматини янада яхшилаш учун тўрт ойга белгиланган янги алоқа бўлимлари очиш планини муддатидан илгари бажардилар.

Область техника-ишлаб чиқариш алоқа бошқармасига қарашли Оққўрғон район алоқа узели «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозининг 3-бўлимида янги алоқа бўлимини очди.

Калинин район алоқа узел тармоғи ҳам яна бир алоқа бўлимига кенгайди. Райондаги «Назарбек» совхозида янги алоқа бўлими ишга тушди.

Ангрен шаҳрида эса «Ангрен-22» алоқа бўлими иш бошлади.

М. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Спорт

ФИНАЛЧИЛАР КУЧ СИНАШМОҚДА

Мексикага жўнаш олдидан жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўраётган СССР футболчилари Болгарияда бу мамлакат терма командаси билан ўртоқлик учрашувн ўтказдилар. Ўйин 3:3 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Совет командасидан тўпларни Еврюжихин, Бишовец, Г. Нодия киритдилар.

Совет футболчилари билан бир группада ўйновчи Сальвадор терма командаси ўз майдонида Руминиянинг иккинчи терма командаси билан қайта куч синашди. Биринчи ўйин 2:2 ҳисобида дуранг бўлган эди. Бугал сальвадорликлар 0:2 ҳисобида ютқазишди.

Бразилия терма командаси финалчилар орасида биринчи бўлиб Мексикага етиб келди ва Гвадалахара шаҳрига жойлашди. Бу шаҳарда учинчи группа командалари мусобақалари бўлади.

Венгрия терма командаси Польша терма футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Польшаликлар бу ўйинга яқинда СССР клублари терма командаси билан бўлган матчдаги составда тушдилар. Ўйин 2:0 ҳисобида венгерлар фойдасига ҳал бўлди.

Швейцария командаси Франция терма футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

●

ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИ ҒОЛИБ

Чирчиқдаги Чимён спорт клубида Улан-Удэ, Красноярск, Душанба ва Ўзбекистоннинг кучли боксчилари ўртасида матч ўтказилди. Мусобақалар Ўзбекистоннинг биринчи терма командаси ғалабаси билан тугади. Ўзбек бокс усталаридан Б. Ниёзов, А. Қодирохунов, Х. Содиқов ва бошқалар бир неча «жанг»ларда юксак маҳоратларини намойиш қилдилар.

●

ХАЛҚАРО ШАҲМАТ ТУРНИРИ

Югославияда ўтаётган халқаро шахмат турнири ниҳоясига етай деб қолди. Сунгги турларда собиқ жаҳон чемпиони В. Смислов муваффақиятли ўйнади. У тўрт имкониятдан уч ярим очкони қўлга киритди. Гроссмейстер Корчной эса кутилмаганда Бертокка ютқазиб қўйди. Ҳозирча америкалик гроссмейстер Фишер 11,5 очко билан олдинда бормоқда. Глигорич, Корчной, Смислов 9,5 тадан очко тўплашди. Петросяннинг очкоси уларникидан битта кам.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Г.1639. ИНДЕКС — 64697. Р. 01476.